БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 март Сешанба
№ 59 (13. 495).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда депутат М. С. Салоҳиддинов раислик қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг депутатлар таклиф этган тузатишлар ва қўшимчалар ҳисобга олиниб тасдиқланган муваққат иш тартибини муҳокама қилдилар.

Депутат М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг аввалги мажлисида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан депутатлар айтган таклифлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида бу лавозимга икки номзод: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари М. И. Иброҳимов ва П. М. Абдураҳмонов номзодлари қўйилди. П. М. Абдураҳмонов ўз номзодини қайтариб олди, депутатлар унинг бу илтимосини қондирдилар.

Яширин овоз бериш натижасида Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Раиси этиб сайланди.

Шундан кейин сессия мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутат Б. И. Бугров очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайланди.


Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди, уларнинг раҳбарларини тасдиқлади.

Кечқурунги мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки муқобил номзодни — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган М. М. Мирқосимов ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ш. Р. Мирсаидов номзодини муҳокамага тақдим этди. Пухта муҳокамадан сўнг яширин овоз бериш бюллетенларида иккала номзодни қолдиришга қарор қилинди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб сайланди.

27 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.







Жумҳуриятимиз пойтахтида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини депутатларнинг фаоллигида давом эттирмоқда. Сессия кун тартибига қўйилган ҳар бир масала манфаатдорлик, ишчанлик билан қизғин муҳокама қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу сессия аввалги сессияларга мутлақо ўхшамайди. Халқимизнинг мухтор вакиллари жумҳуриятимизни янада гуллаб-яшнатиш, унинг иқтисодиётини юксалтиришга бевосита даҳлдор эканликларини юракдан чуқур ҳис қилган ҳолда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Буни сураткашимиз Е. Ботиров суратга туширган сессия лавҳалари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси этиб сайлансин.

**Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.**

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Иванович Бугров Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.**

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Шукрулла Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.**

Ишчи назорати амалда

Камчиликлар аниқланмоқда, лекин ўзгариш бўлаяптими?

Наманган «Коопстепторг» бошқармасининг 1-дўкони пештахталари кўпинча бўш ётади. Дўкон мудири Ж. Жўраев товар обороти планини бажаришга жуда қийналаётган бўлса керак. Ишчи назоратчилари беихтиёр шундай фикрга келгандилар. Лекин магазин мудирининг ўзи бу хусусда унчалик ташвиш чекмасди. Бинобарин, Жўраев дўконига моллар кам келаётганлигига шикоят қилишига ўрин йўқ эди. Дўконнинг ёрдамчи биносида саноат ва озиқ-овқат моллари билан ҳақиқий савдо борарди. Ишчи назоратчилари бу ерда яшириб қўйилган 350 килограмм шакар, 146 килограмм қанд, 106 килограмм сариёғ, конфетлар, қуюлтирилган сутларни топиб олишди. Бундан ташқари, иккита гилам, болаларнинг спорт пойабзаллари, аёлларнинг шиппаклари, 500 сўмлик чинни идиш, 2 яшик кир совун ҳам яшириб қўйилганлиги маълум бўлди.

Чортоқ ноҳия матлубот жамиятига қарашли 12-хўжалик дўконининг мудири Я. Нишонов эса ўзига ишониб топширилган савдо корхонасида яширин савдо-сотиқни авж олдириб, бу соҳада Жўраевдан ҳам илгарилаб кетганди. Бу ерда омбордаги қарийб 11 минг сўмлик мол очиқ савдога чиқарилмаган. Чанг ютгичлар, рангли телевизорлар, телевизор антенналари, тикув машиналари, чинни асбоблар ва бошқа харидоргир уй-рўзғор буюмлари шулар жумласига киради. Мазкур дўкон бўлимининг ходимлари ҳам ўз устозлари йўлидан қолмасликка аҳд қилган эдилар. Тўғри, бу ерга моллар камроқ келтирилади. Савдо ходимларининг иштаҳаси ҳам шунга мос бўлиб чиқди: яшириб қўйилган молларнинг умумий нархи 3 минг сўмликдан сал кўпроқ эди.

Ишчи назоратчилари текшируви натижаларидан маълум бўлишича, баъзи савдо ходимлари харидорларнинг ҳақига хиёнат қилиш ва тарозидан уриб қолишни худди аввалгидек давом эттираётган эканлар. Харидорларга тақдим этилаётган молларнинг кўп қисмида нархи ёзилган қоғозлар бўлмаганлигидан фойдаланган сотувчилар молнинг қийматини анча ошириб кўрсатмоқдалар. Чунончи, Қўғай матлубот жамиятига қарашли 1-дўкон сотувчиси С. Хўжахонов спиртли ичимликлар билан савдо қилишни авжига чиқариб юборди. 9 сўм 10 тийин турадиган ароқни 10 сўмдан сотаверди. Чортоқ ноҳия матлубот жамиятининг 26-дўконида ҳам харидор ҳақидан бир йўла 1 сўм 50 тийин уриб қолдилар. Сотувчи Н. Оқсоқолов ўзининг бу қилмишини оқлаш учун «ишончли» баҳона топди. Уни харидорлар ҳақидан уриб қолишга... хизмат вазифаси мажбур этаётган эмиш. У базадан мол олаётганида пул талаб қилишар экан.

Боз устига ушбу камчиликларни тугатишга даъват этилган ишчи назоратчиларининг фаолияти кўпинча ана шундай ҳолларни зикр этиш билангина чекланиб қолмоқда. Масалан, ишчи назоратчилари умумтаълим мактаблари қуйи синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш қандай ташкил этилганлигини яқинда текширганларида анча жиддий камчиликлар топилганди.

Ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этиш учун масъул ходимлар огоҳлантирилди, холос. Гўёки уларнинг ўзлари бундай қилишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини билишмайдигандек...

**Н. ХУЖАЕВА,
УзТАГ мухбири.**

Биринчи саҳифага мактуб

САВОЛЛАРИМГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Ҳарбий хизматга келганимга уч ой бўлди. Бир группа ўзбек йигитлари билан Украинанинг Житомир вилоятида хизмат қилаяпмиз. Ўзбекистонликлар анчагина, украинлар эса биздан ҳам кўп экан. 28 январда ҳарбий қасамёд қабул қилдик. Шунда украинларнинг ота-оналари келиб, полкимиз ичи улар билан тўлиб кетди. Ўрта осиёликлар, яъни бизлар уларга ҳавас билан термулиб туравердик. 23 февралда ҳам худди шу ҳол такрорланди. 8 мартда ҳам. Ҳатто баъзиларнинг ота-оналари келиб, фарзандларини уйларига олиб кетишди. Бундан ташқари ҳар ҳафтада, ҳафта оралаб кўпчилигининг ота-оналари, дўст-биродарлари келиб кўриб кетишади.

Қисмимизда бир нечта батарея бор. 70 фоиз украинлар, қолгани Ўрта осиёликлар. Нима учун бу ерда маҳаллий ёшлар ўз жумҳуриятида хизмат қилади? Нима учун Ўрта осиёликлар ўз она-тупроғида йигитлик бурчини ўташдан маҳрум?

Менинг саволларимга ким жавоб бера олади? Сизлардан илтимос, ёшларни ҳарбий хизматга жўнатадиган мутасадди раҳбарларга бу фикримни айтиб қўйсанглар.

Артиллерия бўлинмасидаги Ўрта осиёликлар номидан фарғоналик Йўлдошхон АБДУЛЛАЕВ. Жавобини кутаман.

ЁДГОРЛИК ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Мен Ўзбекистонда яшаётган беъмани ва бемақсад ўн йилга чўзилган афғон урушида шаҳид бўлиб кетган бир ярим мингга яқин бағри ярим оталарнинг бириман. Тилаб-тилаб олганимиз Бахтиёржон ана шу «элга келган тўй»дан эмас, балки бутун мамлакатимиз бошига тушган кўргулик — афғон урушида ҳалок бўлди.

Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш учун бизнинг жумҳуриятимизда ҳам хайрли ишлар баҳоли-қудрат амалга ошириляпти. Лекин, бу ҳали жуда оз. Мана олайлик, 1986 йилда Тошкент шаҳрида байналмилал жангчилар хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатиш масаласи кўтарилган эди. Ҳатто ана шу ёдгорлик учун 300 минг сўм маблағ тўпланганлиги ҳақида гап-сўзлар ҳам бўлган эди. Эшитишимга қараганда, пойтахтимиздаги сипоҳилар уйининг боғига ана шу ёдгорликни ўрнатиш таклифи ҳам ўртага ташланган экан. Йўқ, мен бу таклифга мутлақо қўшилмайман. Нега дейсизми? Ана шу боғ ҳақида дуч келган одамдан сўраб кўринг, уларнинг бирортаси бу боғнинг ҳатто қаерда жойлашганлигини ҳам айтиб беролмайди.

Таклифим: халқимизнинг дардига, армонига айланиб кетган бўз ўғлонларимиз хотирасига атаб қўйиладиган бундай муборак ёдгорлик шаҳримизнинг энг гавжум ва эътиборини тортадиган жойларидан бирига қўйилиши керак. Яна: Бу савоб ишни энди ҳеч кечиктирмасдан тезда амалга ошириш вақти етди.

**Саттор ЙУЛЧИЕВ,
Тошкент шаҳри.**

ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!

Тошкент Давлат дорилфунуни шарқ факультети талабалари Марина ва Яцек Залевскийларнинг орзуси ушалди: улар студент оилалари биринчи регионлараро конкурси ғолиби бўлдилар ва икки ҳафта давомида Венгрия, Югославия ва Италияга сафар қилишга йўлланма билан тақдирландилар. Бу конкурс Ўрта Осиё ва Қозоғистон дорилфунунларининг Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тугатган фестивали доирасида ўтказилди.

Тошкент, Ашхобод, Душанбе, Фрунзе, Нукус, Қарағанда, Самарқанд талабалари, шунингдек, Вильнюс, Кишинев ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган меҳмонлар бир ҳафта давомида фестивалнинг хилма-хил ва тиғиз программасида — қувноқлар ва зукколар конкурси ҳамда кичик универсиадада, ўқув жараёни, миллатлараро муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий конференциялар ва мунозара клубларида, Наврўз баҳор байрамида ва спорт мусобақаларида қатнашдилар.

— Фестиваль Ўрта Осиёдаги энг кекса Тошкент Давлат дорилфунунининг бўлажак 70 йиллигига бағишланган эди, биз меҳмондўст мезбонларимизни ана шу юбилей билан самимий табриклаймиз, — деди Ашхобод дорилфунуни комсомол қўмитасининг котиби Камол Бобожонов. — Фестивалда биз янги дўстлар орттирдик ва бу анжуман бундай учрашувлар мамлакатимиз ёшлари ўртасида дўстлик ва байналмилалчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беришини яна бир бор намойиш қилди. Фестиваль мутасаддиларига — Тошкент Давлат дорилфунуни комсомол қўмитаси ҳузуридаги «Авангард» ёшлар марказига ва савдо-сотиқ «Осиё-банк» мададри ва ёрдами учун катта раҳмат деймиз.

Диққат: ибратли тажриба

УЙНИ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ҚАНЧАГА ТУШАДИ?

Андижондаги 2-болалар уйида болаларни тарбиялаш учун барча қулайликлар яратилган. Илгари бу ерда болалар фақат етти ёшгача яшаб, кейин жой бўшаган турли мактаб-интернатларга ўтказиларди. Ҳаётда насибаси қирқилган бу болакайларнинг янги шароитларга кўникиши қанчалик мураккаб бўлгани тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади! Болалар уйи ходимлари бунга йўл қўймаслик учун ўқув юртининг соҳасини ўзгартириб, бу ердаги болаларни улар балоғат ёшига етгунича тарбиялашга қарор қилдилар.

Шундан кейин педагоглар коллективининг ташвиши ҳам кўпайиб кетди — ўқув программалари ва дарсликлар, мактаб формалари ва зарур жиҳозлар керак бўлди. Шунда вилоят марказидаги меҳнат коллективлари ёрдамга келиб, болалар уйини қайта жиҳозлаш учун маблағ ўтказдилар. Вилоят комсомол қўмитаси ҳузуридаги «Спутник» ёшлар ишлаб чиқариш меҳнат бирлашмаси 2,5 минг сўм, «Андижаноблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси икки минг сўм пул ўтказди. «Дружба» ва «Бинокор» кооперативлари аъзоларининг ҳар бири болалар уйи ҳисобига етти юз сўмгача пул ўтказди. Андижон касаначилик фабрикасининг ходимлари болаларга кўрпа ва ёстиқлар совға қилишди. Олтинкўл халқ истеъмоли моллари фабрикаси улар учун мебель тайёрлаб берди.

КИТОБЛАР ДЎСТЛИККА КЎМАКЛАШАДИ

Андижондаги Бобур номли вилоят кутубхонасининг коллективи Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг ўзига хос шаклини топди. Андижонлик кутубхоначилар мавжуд бадиий адабиётнинг пландан ташқари ва резерв фондлари ҳисобига, китобларни яхши асраш ҳисобига меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг, мамлакатимиз кўпгина регионларидаги ҳарбий қисмларнинг буюртмаларини бепул бажара бошладилар. Мана ҳозир ҳам юртдошларимиз хизмат қилаётган Биробижан шаҳрига ўзбек, рус тилларида ва Ўрта Осиё халқларининг бошқа тилларида 70 та китоб почта орқали жўнатилди.

Яқинда Оренбургдаги Халқлар дўстлиги номли ҳарбий қисм кутубхонаси совет муаллифлари — Саид Аҳмад, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа кўпгина таниқли совет шоир ҳамда адибларининг юзлаб китоблари билан бойиди. Узоқ Шарқ ва Хабаровск ўлкасидаги армия коллективлари, Ленинграддаги К. Маркс номли маданият саройи ходимлари почта орқали бадиий адабиётларни олишди. Бу ерларда «Ўзбекистон» ватандошлар уюшмаси ташкил этилган.

— Бадиий китоблар турли миллат халқларининг яқинлашувига кўмаклашади, — деди вилоят кутубхонасининг директори Қ. Қобулов, — шунинг учун ҳам коллективимиз вилоят шаҳар ва ноҳиялари кутубхоналарининг ходимлари билан биргаликда юртдошларимизнинг тарих ҳамда ўзбекистонликларнинг ҳозирги турмуши ва фаолияти ҳақида совет муаллифлари ёзган китобларга буюртмаларини ўз вақтида ҳамда тўла бажариш учун ички резервларни қидириб топмоқдалар.

(УзТАГ мухбири).

Янгиликлар

Президентлик кенгаши тузилмоқда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевнинг фармонларига биноан Э. А. Шеварднадзе, Ю. Д. Маслюков, В. А. Крючков, Д. Т. Язов, Ч. Айтматов, С. С. Шаталин, В. Г. Распутин, А. Н. Яковлев, В. А. Ярин, А. Э. Каулс, Ю. А. Осипьян, Е. М. Примаков, В. И. Болдин, В. В. Бакатин, Г. И. Ревенко СССР Президентлик кенгашининг аъзолари этиб тайинландилар.

ТАСС.

Болалар учун кийимлар

Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик бирлашмасининг сўнгги маҳсулотлари мовут-жун газламаларидан тайёрланган. Савдо ходимларининг фикрига қараганда, чиройли гуллар билан безатилган шимлар ва матросча кийимларга эҳтиёж катта бўлади. Полиэстр билан безатилган ажойиб костюм-шимлар ҳам жуда чиройли. «Ғунча» чеварлари шу баҳор фаслининг ўзида 20 мингтадан кўпроқ болалар кийим-кечаги ишлаб чиқаришади.

(УзТАГ).



Жиззах ип-йигирув фабрикасида ишлаб чиқариш қувватлари янада кенгайтирилди. Вилоятнинг Пахтакор ноҳиясидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги ҳудудида корхонанинг филиали ишлай бошлади. Ҳозирча филиал қуввати у қадар катта эмас. Бу ерда атиги 38 нафар ёшлар ишлашади. Йил охирига бориб эса хўжаликдаги янги корхона туфайли иш билан таъминланганлар сони 80 нафарга етади.

СУРАТДА: фабрика филиалининг илғор ишчиси Зебо Норбоева.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«ИНҚИРОЗ»

(12 ЯНВАРЬ, 1990 ЙИЛ)

Юқоридаги сарлавҳа остида Ўзбекистон ССР Енгил саноат нозирлиги раҳбарлари ҳукмига ҳавола этилган мақолада Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Манғит ип йигирув-тўқув фабрикасидаги камчиликлар танқид қилинганди.

«Бу ердаги камчиликларни бартараф қилиш учун Енгил саноат нозирлиги ўтган йилнинг 24 декабридан бошлаб ташкилий чораларни кўра бошлаган эди, — дейилади нозирлик тўқимачилик саноати бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Н. Н. Нормуҳаммедов имзоси билан олинган жавобда. — 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб фабрикага молиявий ишларни юритиш учун мустақиллик берилди. Корхонага ўтган йили бошқа корхоналардан қўшимча ускуна ва эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Февраль ойида янги ускуналар олиш учун нозирлик томонидан 400 минг сўм маблағ фабрикага ўтказилди. Корхона жамоасига ёрдам бериш мақсадида нозирликнинг марказий лойиҳалаш ташкилотидан йигирув соҳаси бўйича С. Шапиро, тўқув соҳаси бўйича В. Пак сингари тажрибали мутахассислар бириктирилди. Бундан ташқари жумҳуриятимиздаги тўнғич енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Фарғона тўқимачилик комбинати фабрикага оталиқ қилишни ўз зиммасига олган.

Ишлаб турган ёш кадрларни ўқитиш мақсадида техник жиҳозлар ҳолатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ва иш ҳақини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида кўзда тутилган. Бу тадбирларни йўлга қўйишдан асосий мақсад ўрнатилган техник ускуналардан тўлиқ фойдаланиш, кўпроқ маҳсулот олиб, давлат план-топшириқларини бажаришдан иборатдир.

Фабрика директорини, бош инженерни ва бошқа мутахассисларни мамлакатимизнинг малака ошириш илм даргоҳларида ўқитиш режалаштирилган. Жамоага яқиндан ёрдам бериш ҳамда иш фаолиятини яхшилаш нозирликнинг доимий назорати остига олинди».

ҚАЛБИ ЁШ ВЕТЕРАНЛАР

В. И. Ленин номли Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртининг клубида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Москва академик эркаклар хори иштирокида концерт бўлди. Унда уруш йиллари қўшиқлари ҳамда Совет Армиясига бағишланган мусиқа асарлари янгради. Уларни суронли уруш йиллари тўғрисида китоблар ва кинофильмлардан ўқиб билганлар эмас, оғир фронт йўлларини босиб ўтган кишилар ижро этдилар. Қирқ олти кишидан иборат хор иштирокчилари орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Қизил Байроқ ордени нишондорлари, ўтган урушнинг буюк жанглари қатнашчилари бор.

Ветеранлар хори ўн беш йил муқаддам ташкил қилинган эди. Ўшандан буён унга бош дирижёр, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Виктор Краснощеков раҳбарлик қилиб келмоқда. Коллектив мамлакатимизнинг турли чеккаларида бўлди. Унинг бу галги сафари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон пойтахтлари бўйлаб ўтади.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг ташвиқий-бадиий бригадаси, дарвоқе, хор ҳам шу бригадага киради, ўзи билан бирга Қуролли Кучлар марказий фонди музейидан кўргазма, шунингдек, Совет Армияси марказий уйининг Греков номли бадиий студияси қатнашчилари асарларини ҳам олиб келди.

(ЎзТАГ).



Бепоён менинг Ватаним

ИНСОНГА НИМА КЕРАК?

Пелагея Фёдоровна ҳозир 82 ёшда. У қарийб 38 йил Рязандаги «Советский герб» жамоа хўжалигида меҳнат қилди. Турмушга чиқиш насиб этмади: гоҳ касалманд онасига қарашди, гоҳ укалари учун югуриб-елди. Йиллар ўтиб, куч-қувватдан қолди. Шунча меҳнатлари эвазига унга бор-йўғи 17 сўм нафақа тайинлашди. Москвалик қариндоши рассом қиз Татьяна Куликова жонига оро кирмаганда, ким билади дейсиз, ҳоли нима кечарди.

Шаҳарда тоза, озода, шинам уйда ҳамма нарса етарли. Пелагея Фёдоровна соғлиғини анча тиклаб олди. Кейинги йилларда ҳаётида ҳам жиддий ўзгариш рўй берди. 70 сўм нафақа тайинлашди, бундан ташқари «Фахрий жамоа хўжалиги аъзоси» унвонига эга бўлганлиги учун 20 сўм қўшиб беришди. Шундай бўлса-да, ҳамон уни бир нарса қийнаб келади. Кўнгли жонажон қишлоғига муҳтож. Тенгдошлари ҳам уни орзиқиб кутишаяпти.

Наталья Пискарева, Светлана Мухортова ва Екатерина Мельниковалар Москва меъморчилик институтида таълим олишади. Ҳаётни янада гўзаллаштириш, унинг чиройига чирой қўшиш меъмор қизларнинг азалий орзуларига айланган. Талабалар мамлакатнинг зарбдор қурилишларида, шаҳарларни таъмирлаш, янги уй-жойларни бунёд этишда қатнашиб келаяптилар.



СУРАТЛАРДА: Пелагея Фёдоровна қариндоши Татьяна Куликованикида (пастда), талаба қизлар бино нусхасини кўздан кечиришаяпти.

П. МАКСИМОВ ва А. ЖИГАЙЛОВ суратлари.

Бир хат изидан

«Ҳақимни сўровдим...»

Қулоққа қуруқ araванинг тақир-туқури чалинади. Алламбало овозлар шовури.

— Ҳақиқат бор экан. Ер эгасига қайтарилди. Қайта қуришга раҳмат. Энди яхши бўлади. Маҳаллий шароитга қараб, майдонлар бўлиб берилади. Истаганларга, бемалол. Кимга зўр, ижарачига. Пулни теракнинг баргидек супуриб олади-я. Қандини урсин.

Тўғриси, кўпчиликка кулгили бу. Ҳамма ернинг фуқаросиям ишонавермайди бунга. Қайтага ғаши келади. Уларга ёлғонлиги аёнда. Чунки оғиз кўпиртирадиган даражада эмасда ишлар. Ўрнида айланиб ётибди. Оғизда эса анчага борган. Кўз илғамайди.

Деҳқоннинг эрки ҳақида гапирмасаям бўлади. Қуйидан планлаштирилади, дейишлар алдов. Юқори айтади, паст режалаштиради. Миқдори ўлчовли. Қилмай кўрсинчи. Ёки бунинг янгича йўли мавжуд. Хўжалик қаерда, қанча майдонга чигит экмоқчи. Боғ барпо этмоқчи. Сўзсиз ижроқўмдан тасдиқлатиб олиши керак. Ўшанда ози кўпайтирилиб, «зиёди» қирқилади. Номи эса кетаверади. Қуйидан планлаштириш бўлиб.

Кимнинг сабри чидайди бунга?

«1989 йил учун пахта экиладиган ер майдони ҳозирги кунга қадар ноҳия ижроқўми томонидан тасдиқланганн йўқ. Шунинг учун бригадаларга ва оилавий пудратчиларга ер майдони берилган эмас».

Мана сизга исбот. Ана эгалик ҳуқуқи. Бу далил осмондан олингани йўқ. «Фарғона» давлат хўжалигининг директори «Кашкадарьинская правда» газетасига юборган жавоб хатидан кўчирма.

Айтмоқчи, бу ғавғо билан вилоят рўзномаси анча тортишди. Унинг махсус мухбири Р. Ихсанов можаро хусусида беш марта мақола чоп этган. Маҳаллий раҳбарларнинг айтишича, ёзилмаган фақат БМТ қолибди. Ростданам аризабозлик, текшир-текширни, унинг натижаларигача кўплар билишаркан. Ҳатто қачон, ким ўрганганиниям...

Воқеа тафсилоти бундай.

Хуррам Мамановнинг етти нафар фарзанди бор. Ҳаммаси ейман-кияман, дейди. Маоши эса ҳаминқадар. 180 сўм! Иложи бўлмагач, бир битимга келди. Деҳқончилик қиламан!

Ўша ондаёқ идорага борди. Давлат хўжалиги дирекцияси, ишчилар қўмитаси розилигини олиб, қонуний шартнома тузди. Ихтиёрида ўн гектар ер! Ишга киришди. Ўғил-қизлари унга кўмакдош. Бундан оила бошлиғининг кайфи чоғ. Кетмонни ният қилиб ушлагани зое кетмади. Яхши ҳосил ундирилди.

Деҳқончиликнинг «тили»ни тушунганга не етсин. Ваъда ҳам дўндирилди. Давлатга 13359 сўм ўрнига 30044 сўмлик пахта берилди. 215 фоизга уддаланган планнинг 175 фоиз маҳсулоти фақат биринчи навга сотилди. Катта ютуқ эди бу. Шартномага асосан хўжалик оилавий звенонинг иш ҳақи — 13165 сўмни тўлаши керак эди. Лекин ишлар тескарисига айланиб кетди. Жанжалнинг бошланиши шундан.

— Ҳисоб-китобни билганим бошимни еди, — дейди Х. Маманов. — Ўз исмини базўр ёзадиганларни биров ниқимас экан. У бюрократдан ҳақини сўрай оладими? Нима десангиз, жавоби битта: «Хўп бўлади». Мабодо мен ҳам «хўп» йўлини танлаганимда сарсон юрмасдим. Мансабдорнинг фуқарони хўрлашларига чидолмайман. Виждоним йўл қўймайди. Саводим бор. Инженер-қурувчиман. Ҳисоблаб кўрдим. Шартномага асосан иш ҳақим қанча бўлади-ю, қанчаси хўжаликка қолаяпти. Қолаверса, фарзандларимнинг ризқини қийилишига йўл беришим керакмиди? Асло. Кўрайчи, ноҳақлик қачонгача ҳукмдор бўларкан. Унинг умри қисқа. Тугайди.

Эътироф этиш керак. Шартномадаги технология харитаси, ҳар хил ҳаражатлар, устама иш ҳақи фондлари ҳаммаси йил охирига келиб пўлат сандиқнинг остига тушиб кетди. Ҳалигача йўқ.

Бундай чалғитишлар оиладагиларнинг ғашига тегди. Қизиқ-да, ишлаган ҳақингни ололмасанг. Ҳар хил масъул ташкилотларга аризалар ёзилди. Бири ундай деса, бошқаси аксини айтади. Ҳисоб-китоблар чалкаш.

Унинг исботи. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитасининг иш ҳақи тўлаш ва меҳнат бошқармаси бошлиғи М. Расулов ижарачиларга 10204 сўм, вилоят қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитаси раиси ўринбосарлари Ҳ. Ҳикматов, Ш. Хўжаназаровлар фикрича 12308 сўм, «Фарғона» давлат хўжалигининг бош иқтисодчиси М. Эшонқулов 10796 сўм берилиши керак, дейди. Бири тоғда, бошқаси боғдаги рақамлар. Қайсиси тўғри?

Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич. Х. Маманов ҳам бўш келмади. «Кашкадарьинская правда»да беш марта мақола босилди. Ҳар дафъа ижарачининг ёнини олиб. Натижа эса йўқ.

Ижарачининг даъвоси нима?

Ўзи, оиласи ҳамда кўмакда бўлганларининг пуллари ҳисоб-китоб қилинди. Номма-ном. Фақат бир мавҳумлик бор. Ҳужжатларда вақтинчалик ишчиларга пудратчи ҳисобидан 1270 сўм берилган. «Вақтинчалик ишчилар» ким? Қайси меҳнатлари эвазига пул олган? Номма-ном санаш керак эди-да.

Ишга Қамаши ноҳияси халқ суди аралашди. «Эгасиз» 1270 сўм пулни Х. Мамановга хўжалик ҳисобидан ундириб бериш ҳақида 1989 йил 8 декабрда қарор қилинди. Суд ҳукми ижросиз қолиб кетди.

Ёзиб-чизиб, ҳақиқат излаган Х. Маманов нималарга эришди? Ўтган йили оилага ер берилмади. Тўғрироғи 5 гектар майдон ажратилиб, яна тортиб олинди. Оила даромадсиз қолди. 1988 йилнинг ноябрь ойидан буён бир тийин олиш йўқ.

Ердан ажралиш сабаби эса турлича кўрсатилган. Бири иккинчисига тўғри келмайди. Ҳатто бу ҳақда хўжалик директорининг гаплари ҳам айқаш-уйқаш. У аризачига берган расмий жавобининг бирида ёзади: (1989 йил 13 май). Айнан келтирамиз: «Пахтачиликда оилавий ижарачи бўлиб, ер сўраб ариза бергансиз. Бўлиш даврида қатнашмаганлигингиз сабабли ер берилмади». «Кашкадарьинская правда»га йўлланган жавоб тамомила тескари. У 1989 йил 1 мартда ёзилган. Директор томонидан. «Хуррам Мамановнинг ер сўраб ёзган аризаси агроучастка бошлиғи томонидан хўжалик дирекциясига тақдим этилган эмас».

Киши аросатда қолади. Қайси далил ҳаётий? Хўжалик раҳбари бундай деб тургач, бошқалардан гина қилиб бўладими? Устига устак «сабабсиз равишда ишламаганлиги учун» Х. Маманов хўжалик касаба союз қўмитаси президиуми йиғилишининг ўтган йилги 28 сентябрь 3/2 сон қарорига асосан ишдан озод қилинди. Ўша куниёқ директор буйруқ чиқариб, имзо чекди.

Ҳақ-ҳуқуқини билишга кўрсатилган «ғамхўрлик» эди бу.

Ишдан бўшатиш, жиловлашлар қанийди ягона бўлса. Қонунга хилоф ишларни айтмайсизми? Уларни ўрганишда айрим мутасадди ташкилотлар силлиқлаш йўлини маъқул кўришган.

...Хўжаликнинг бош агрономи бўлиб ишлаётган Абдувоҳид Ишмановнинг камчиликларни шарт-шурт айтиши раҳбарларга ёқмай қолди. Унинг баҳридан ўтишнинг йўли дарров топилса денг. Штат «қисқарадиган» бўлди. Меҳнат дафтарчаси эса почта орқали юборилди. Собиқ агрономни хўрлаш эди бу. Иззат-нафси топталганига чидолмай, у ўзи қаторида жабр кўрганлар билан ҳамкорликда СССР Прокуратурасига шикоят ёзди. Шу иш юзасидан текшириш ўтказган Қашқадарё вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Т. Сайдаҳматовнинг хулосаси: «Текширишда аён бўлишича директор хўжалик касаба союзи қўмитасининг розилигисиз 1988 йил 13 сентябрда А. Ишмановни штат қисқартирилгани учун қонунсиз ишдан бўшатган».

Шу масала юзасидан вилоят қишлоқ хўжалик давлат ширкат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ҳ. Ҳикматовнинг жавоби бундай: «Сизни ишдан бўшатишда қисман қонун бузилишига йўл қўйилган.»

Ҳайрон қолдик. Қонунни қисман бузиш ҳам мумкин экан-да. Бу қанақаси бўлдийкин? Таажжуб. Қисман емирилган соҳил, тош-қояни кўрганмиз. Қисман қондирилган талаб-истакни эшитганимиз бор. Таассуфки, «қисман бузилган қонун» ҳам бўларкан. Замонни қаранг, уни кашф этибди. Фақат моҳиятини фаҳмлолмай бош гаранг. Тараққиёт шу зайлда кетаверса, қисман ўлдирилган одамниям кўрармиканмиз?

Хатнинг давоми қатъиятли. «Текшириш натижалари вилоят қишлоқ хўжалиги давлат-ширкат қўмитасида кўриб чиқилиб сизни ўз ишингизга тиклаш ва мажбуран ишга қатнашмаган вақтингизга иш ҳақи тўлаш бўйича буйруқ чиқарилди. Шу буйруқ билан хўжалик директори маъмурий тартибда жазоланди.»

Ҳ. Ҳикматов 1988 йил 20 декабрда йўллаган юқоридаги жавобидан «уялган» шекилли, уни ўтган йилнинг 22 сентябрига келиб рад этади. «Хўжалик маъмуриятининг 1988 йил 7 январидаги 35-сон буйруғи билан штат қисқаргани муносабатига кўра, ишдан тўғри бўшатилгансиз».

Ана холос. Биринчи зарб устидан иккинчиси. Қайсинисига ишонади бечора деҳқон? «Янглишиш» ҳам эви биланда. Элпарвар раҳбар ўзини-ўзи рад этиб, алдоқчилик қилсая. Уятда. Ундан кўра билимим, кучим етмади. Узр. Ҳал этолмайман, деса бўлмасмикин? Буни айтишга куч керак. Дангаллик керак. Унинг орияти устунлик қилган, гўё. Лафзи ҳалол, доно деҳқоннинг ори, қадри оёқ остида қолса майли. Лекин... бошлиқ олдин ундоқ, деб сўнг лафзидан қайтса бўлаверади. Не деса тўғри. У халқнинг бошида турибди. Ҳаққи «бор».

Ана шу айқаш-уйқаш фикрларни бир четга суриб, «Фарғона» давлат хўжалигининг бош иқтисодчиси Муҳаммади Эшонқулов билан суҳбатлашамиз.

— Бизда 239 пудратчи бор. Сизларга мактуб йўллагани жуда ғурбат чиқди. Ҳоли-жонимизга қўймайди. 14 марта текширув ўтказилди. Унинг миясида бир нарса ўтириб қолган: ўзим ишлаганман, пулиниқ ҳам ўзим оламан. Қани энди тушунтириб бўлса. Ахир қоровул бор, дизелчи бор, сувчи ишлаган. Унга ҳам пул бермаса бўлмайди. Хуррамга қолса бригадир, ҳисобчи ҳам бир тийин олмаса. Бизда кўрсатма бор. Ундан чиқолмаймиз. Қариган чоғимда бошимни оғритди-да. Майлийди қонун кўтарса. Бердик ўша пулини. Йўлини тополмаётибмиз. Ҳақиқатда оиласи билан жуда зўр ишлаган. Планни ошиғи билан бажарди. Кўз юммаймиз бундан. Биздаям инсоф бор. Ўйлаймиз, бола-чақасини. Жабр қилгимиз йўқлигидан зўр мутахассисларни чақирдик. Ҳаммаси ҳақ тўғри тўланган, дейди. Нима қилишга ҳайронмиз.

Кекса иқтисодчининг сўзларидан уқдикки, унинг ижарачига кўмак бергиси бор. Йўлини излаётибди. Орани очиқ қилган маъқулда. Бизнингча у қийин эмас. Ҳақиқатан бу чигалликнинг ечими осон. Нимага ишонаётганимизниям айтай. Ижарачи Х. Мамановнинг оиласига кўмакдош бўлганларининг саноғи 25 нафар экан. Ҳаммаси ҳисоб рўйхатида қайд этилган. Уларнинг сафида бор-йўғи 2 сўм 83 тийин олганлариям бор. О. Нурматов, М. Ортиқов, А. Норқобиловлар... Меҳнатига қарабда. Шундоқ бўлгач «Вақтинчалик ишчилар»нинг исми-шарифини мавҳум сақлаш жоизми? Улар ким? Рўйхатда очиқ кўрсатилганида бу ғавғолар туғилмаган бўлур эди. Ошкоралик ошкора бўлсинда. Чунки Х. Мамановга аён. Кимлар унга ёрдамлашганлиги. Даъвогар билсин. 1270 сўм пул қайси хизмат эвазига кимга тўланганлигини. Қолаверса юқоридаги 2 сўм 83 тийин олганларнинг ҳам йил ўн икки ой эмас вақтинчалик ёрдамига берилган ҳақ бу. Ёки нотўғрими?

Икки оғиз сўз хўжаликнинг ўтмиши, ҳозири тўғрисида. Эътироф этиш керак, хўжалик иқтисод жиҳатдан анча ўтириб қолганди. Йилдан йилга аҳвол оғирлашиб, давлатдан тўққиз миллион сўм қарз бўлди. Янги раҳбар хўжаликни ана шу тавон билан қабул этганди. Ҳозир белли бақувват. Ҳамёнида 4 миллион 700 минг сўм пули бор. Бадавлат хўжаликнинг фуқаролари қандай яшашяпти? Иқтисоднинг тиклангани-дан уларга наф борми?

— Уйимизга юра қолинг. Минг эшитгандан бир кўрган афзал.

Бобонқул Авазовнинг илтимоси талабга айланди. Рози бўлдик. Рости, ундай ҳаётнинг боридан йўғи. Ҳалиҳануз хаёлимдан кетмайди. Кўзлари илинжла жовдираётган гўдакларнинг нигоҳи. Улар беш нафар. Уй катта йўлнинг юзида жойлашган. Дарвоза ўрнида узун таёқ. Остонагача лой. Иморатнинг қурилганига ўн йил бўлибди. Тўрт хонали. Бобонқулнинг юзини шувут қилиш ниятимиз йўқ. У тўғри тушунар. Лекин очиғини айтмоқ керак. Хона ичидан анқиётган захдан эт жунжикади. Пол ҳақида айтиш ноўрин. Уйдаги эшиклар аллақачон хизматини ўтаган. Уларни ҳозирда молхоналарда ишлатмайдилар.

— Уч фарзандимиз мактабда ўқийди. Катта қизимиз бешинчи синфда, — дейди оила бекаси Момохол. — Камбағалчилик қурсин. Пешонамизда бор эканми? Айтсам адо бўлмайди. Болаларим оёқ яланг қолишганда юрагим безиллайди. Нoилож ҳамсояларимдан пойабзал, этик сўраб чиқаман. Йўқ дейишмайди. Ҳали у, гоҳида бу йўқ. Баъзида ҳеч нима. Орзу қиламан қўй, эчки, сигиримиз бўлишини. Уларни харид қилишга пул қани? Хўжайиним 2,5 йилдан бери ишламайди. 1987 йил 29 октябрда бўшатилган. Штат қисқарган эмиш. Калтак нуқул бечоранинг бошида синарканда. Вилоят суди у кишининг талабларини тўлиқ қондириб, 13 ойлик иш ҳақларини ундириб берганди. Ўрнига қайта тиклаш ҳақида қарор қилганди. Энди оғзимиз ошга етгачда жумҳурият Олий суди ҳукмни бекор қилди.

Бутун бошли оила болаларга бериладиган нафақа пули ҳисобига яшаяпти. Янги йилни кутишда қўшнилардан бир кило гўшт олишгани, ҳали қарзни узолмаганларини эшитиб юрагим сиқилди. Етти кишига 36 сўм нима бўлади. Ёлғон бўлмасин 2 та товуқлариям бор. Ўшанинг тухуми бу ҳисобда йўқ. Сув бўлмагандан кейин томорқада бирон нима етиштириш амри-маҳол. Ҳар қалай картошка, пиёз ўзидан чиқардида.

Уйдаги жиҳозларнинг энг қиммат баҳоси ойнаи жаҳон. Стол. Янги кўрпа-тўшакларнинг тахмонда турганини топа олмадик. Ҳаммаси Момохолнинг келинлик даврида қавилган. Меҳмонхона меҳробида иккита жойнамоз ёйиб қўйилибди. Бўсағадаги сим каравотнинг усти бўш. Остида 2—3 та дарслик китоб.

— Пальто, этиклар менда йўқ. Ҳали киймаганман. Чопоним бор. Меҳмонга борсам сингилларим бериб туришади.

Тиллога қаноат этмай алламбало ёқут, дур, жавоҳирларни олиб берсанг деб, харҳаша этаётганлар Момохолнинг ўзлари билан ёнма-ён яшаётганликларини билишармикин? Беш фарзанднинг онаси, бу муштипар «Фарғона»да туради. Унинг орзуси шойи кўйлак кийиш.

Ижара олиб балога қолганларининг яна бири Зиёдулла Муродов. Айби ҳақини талаб қилгани. Ўша туфайли 1988 йил ноябридан буён ихтиёридаги ер тортиб олинди. Ишсиз. Оиладаги ўн кишининг ризқи қийилган.

— Ўғлимнинг бирови аскар. Унинг қайтиш вақти яқинлашган сайин бошимни чангаллайман. Тайёргарлик йўқ. Қўлим бўш. Ношукурлик бўлмасин. Бир бош сигир, бир бош танамиз бор. Умидим ўшандан. Бир ёқни кўтарар. Ҳаёт кимники, зўрники экан. Ҳақимизни сўровдик. «иғвогар» номи ёпишди-қолди. Шунчалар айри кўз билан қарашдики, йўлини топса ҳавони олдирмасада. Хонадонларга хўжалик дон, сомон тарқатди. Мен гўё душман. Пулимга беришмайди. Рўйхатда йўқман. Ўтган йилги даромадимни айтиб қўяй. Қўшни бригадада ишловдим. 11 сўм олдим. Уч қизим ҳам оз-моз пахта терганди. Ўшанинг ҳақини олдик.

З. Муродовнинг қандай яшаётганлиги уйининг сиртидан маълум. Ўғлига ният қилиб икки йил бурун солдирган иморати ҳануз чала. Эшик деразалари ўрнатилмаган. Яхшиямки лой бор. Пахса девор беминнат. Тикланаверади. Ҳақиқатан уларда лой бемалол. Ўзим хонадонга боргунча резина этик кийишга мажбур бўлдим. Ҳамёнида қарийб 5 миллионга яқин пули бор хўжаликдаги аҳвол бу.

Шундай алғов-далғовдан сўнг қамашиликларни деҳқоннинг ер эгасилигига ишонтириб бўлармикин? Ҳаммаси ер туфайли азият чекиб ётибди. Қаёққа боришмасин арзнинг натижаси пойинтар-сойинтар. Уларни қониқтирмайди. Баъзи идораларнинг эшиги тамғаланган. Кўкракларидан итаришади. Ана сизга рўзғорини тебратай, бирим икки бўлсин, деган деҳқонга раҳнамолик! У қайси ернинг, қандай эгаси бўлди? Ихтиёри бировда. Истаса майдон беради, хоҳламаса йўқ. Кўнглига ўтирмаса, ҳақини сўраса бошида гурзи синади. Қани бу ерда адолат? Инсоф.

Замон ўзгарди. Зуғум, пўписанинг умри сўнган. Оломон ўзининг халқлигини англади. У катта тўлқин. Қудратли куч. Бир силкинса заминни остин-устун қилади. Агар раҳбар уни ўзидан бездирсачи? Яйдоқ чўлдаги кўлмакдек қурийди...

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири,
Қашқадарё вилояти.

РЕДАКЦИЯДАН:

Мақола анча илгари ёзилганди. Орадан вақт ўтиб Ерга муносабатлар тартибга солинди. Деҳқоннинг кўнгли равшан. Энди у олдингидек сарсон бўлмайди. «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларининг Ер тўғрисидаги қонун асослари» унинг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлади. Асосийси бюрократларнинг қўли калта. Минг карра чиранишмасин, Ерни эгасидан тортиб ололмайди. Зуғум, оворагарчилик ҳам йўқ. Умидвормиз, энди ҳаммаси яхши бўлади. Х. Маманов кабиларнинг кўкрагига боди шамол уради.

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

Хўш, бундан кимга фойда? Бизни: сизларга, истеъмолчиларга фойдали, деб ишонтирмоқчи бўлишади. Навбатда туришнинг ёки устига «қўйиб» олишнинг сенга нима кераги бор — талон бўйича ажратилганини арзон-гаровга олгинда, кейингисини қидир. Бироқ тақсимлаш системаси ҳаммадан ҳам кўра тақсимловчиларга фойдалидир. Албатта, улар ўзларини хафа қилдириб қўймайдилар. Мисол учун, гўштни умумиттифоқ фондидан тақсимлаш биринчи даражали давлат аҳамиятига эга бўлган тадбир, бу алоҳида назоратда. Лекин нима учун бу маҳсулот шунчалик етишмаса-да, Москвада гўшт доимо сотувда бўлади? Нима, хорижликлар олдида ўзимизни кўрсатгимиз келадими? Улар мамлакатимиздаги аҳволни гўё билишмайди. Йўқ, гап бунда эмас, ҳаммаси оддийгина: пойтахтда энг катта амалдорлар яшашади, шу боис улар ўзлари учун ҳам, атрофларидагилар учун ҳам тиришишади. Бундан ташқари очиғини айтиб қўя қолайлик, ҳокимият учун қаердадир четдаги гўштхўрларнинг тўнғиллашидан кўра кўпроқ москваликларнинг норозилиги ташвишлироқдир. Москвалик амалдорлардан кейинги даражадаги амалдорлар қаерда туришади? Жумҳуриятлар пойтахтларида. Бу пойтахтларга ҳам ўзига яраша гўшт ажратилган. Улардан кейингиларичи? Вилоят марказларида. Бу ерларда ҳам озроқ бўлсада гўшт топилади. Энди ана шу тақсимланишга мос бўлган яна айрим рақамлар билан танишинг: москваликларнинг 97, иттифоқдош жумҳуриятлар пойтахтлари аҳолисининг 79, вилоят марказларида яшовчиларнинг 36 фоизи гўштни давлат нархида сотиб олишади. Мамлакатнинг бир бурчагида бир кило гўшт учун 5, бошқа жойида эса 10 сўм тўлашади.

Шаҳарда маош юқори эканлигини ҳам эсдан чиқармайлик. Ўртача олганда мамлакатимизда бир кило гўшт учун камбағаллар 4 сўм 20 тийин, бойлар (ҳар бир оила аъзоси ҳисобига 150 сўм ва ундан кўп даромад оладиганлар) эса 2 сўм-у 90 тийин тўлашади. Хазинанинг ҳар бир килограмм гўшт учун давлат нархига берадиган қарзи 3 сўмга яқин. Бу шаҳарларда яшаётганлар учун гўё мукофот. Кам ҳақ оладиганлар йилига 15—20 кило гўшт олишади, демак уларнинг мукофоти 45—60 сўмни ташкил этади. Бойлар эса йилига киши бошига 100 кило гўшт харид қилишади ва шу билан 300 сўмни иқтисод қилишади. Академик Лаврентьев билан бўлган учрашув сира ёдимдан чиқмайди. Михаил Алексеевич хазил аралаш меҳмони, англиялик олим: «Бойларнинг янада бойиши учун ҳамма шароит яратилган мамлакатни биринчи бор кўряпман» дея биздаги тартиблардан қанчалик ажабланганини ҳикоя қилиб берганди. Тақсимлаш системасидаги «ижтимоий адолат» ана шунақа.

Биз якдиллик билан тақсимлаш бекор қилинишини ёқлаяпмиз. Имтиёзларни тугатиш тўғрисидаги гап сайловолди дастуридаги асосий банд бўлди. Бироқ гап фаровонлик нотўғри, ноўрин тақсимланганида эмас. Ҳар бир киши айнан у шунга муносиб деб ҳисоблайди. Аслида ҳар қандай тақсимлашнинг ўзи адолатсизликдир, негаки у хизматнинг ҳақиқий мезони — ўлчови бўлган пулнинг ўрнини эгаллайди. Тақсимлаш маънавиятсизликнинг ўзгинаси бўлиб, у жамиятни бор маънавий қадриятлардан ҳам маҳрум этади. Оила фаровонлиги бахтнинг бир парчаси учун талон берадиган амалдорнинг муносабатига боғлиқ бўлиб қолганида ўзи ва яқинлари учун ҳам меҳнатсеварлик, шахсий қадр-қиммат, софлик ортиқча, ҳаттоки малол келадиган бўлиб қолади. Бир бўлак совун учун бошлиқ олдида икки букилиб турамиз, бир-биримизни ғажишга тайёрмиз, қўшним мендан кўпроқ олмасин дея атрофимиздагиларни пойлоқчи итдек зийраклик билан кузатамиз, Ё, тавба! Қандай кунларга қолдик, қандай жамият бу ўзи?!

Вазиятнинг қалтис томони шундаки, иқтисодиётимиз ҳозирча чинакам инсонни ҳеч нарса билан

20

хушнуд этолмайди. Карточка бўлмаса, нарх-наво ошади, бошқача яшай олмаймиз. Шундай бўлса-да, бизда бу кўпчиликка ёқмаслигини билсам ҳам иккинчисини ёқлайман. Бир марта зангори экран орқали шу фикримни айтганимда мени сўкиб ёзилган хатлар олдим: биз сенга ишонгандик, сен эса бошлиқларга сотилибсан, нархни кўтариш учун овоз беряпсан, мана энди билдик кимлигингни! Пермлик бир аёл даромадини қандай тақсимлаши кўрсатилган дафтар жўнатибди: қани айтчи, агар ҳамма нарса қимматлашса мен қандай яшайман?

Тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аввамбор тақсимлаш нарх ошишини тўхтатиб қололмайди. Ахир биз карточка системасини биринчи бор жорий қилаётганимиз йўқ, шу боисдан воқеалар ривожи олдиндан маълум. Биринчи навбатда давлат ва бозор нархи ўртасидаги фарқ кўпаяди. Бу тарихимизда бўлган. 1929 йилда карточка жорий қилинди. 1932 йилда бозор нархи карточка нархидан 8 баробар юқори эди. 1933 йилда бу рақам 12—15 баробарга ўсди. Давлат албатта ошиқча тўланаётган шунча пул хазинага тушмаётганига чидаб туролмасди. 1931 йилдаёқ давлат савдоси орқали сотиладиган маҳсулотларнинг ўндан бир қисми, орадан бир йил ўтгач эса 39 фоизи коммерция дўкони деб аталувчи савдо нуқталарида сотиларди. Осонгина ҳисоблаб чиқиш мумкин: давлат савдосидаги нархлар ўртача даражаси деярли 4 баробар ошди. 1933—1936 йилларда карточкани тугатиш билан бир вақтда барча турдаги маҳсулотлар нархи 5.4 баробар оширилди. 1941—1946 йилларда карточка системаси жорий қилинганда ҳам воқеалар ривожи деярли шундай бўлган. Бу сафар ундай бўлмайди деб ҳеч ким кафолот беролмайди.

Карточка ва талоннинг устунлиги шундаки, унда ҳаммага оздан бўлсада улуш ажратиш йўли билан давлат норозиликни «ўчиришга» эришади. Нархнинг муттасил ошиб боришини ҳам албатта «ёқимли» деб бўлмайди, лекин ким билади дейсиз, балки шунда касаба уюшмаларимиз ўзларининг асосий вазифалари нимадан иборат эканлигини эслаб қолишар. Улар яхшироқ меҳнат қилишга чақиришни билишади-ю, лекин нимагадир хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилишни унутишади. Биз таклиф қилаётган вариантда касаба уюшмаси шартнома тузишда нархнинг ўсишига қараб маошни оширишни талаб қилиши мумкин. Талаб қилишга қўрқса унда биз бошқа профкомни сайлаймиз, худога шукрки ҳозир ошкоралик.

Хўш, бунда биз инфляция кучайишидан бошқа нимага эришамиз, деб эътироз билдирмоқчисиз. Лекин билдирмайсиз. Ҳозир маҳсулот тақчиллиги ва нархнинг ўсиши оқибатлари бутунлай истеъмолчи зиммасига юкланган. Пул даромадлари омонат дафтарчалари ва сандиқларда сақланаётган бир пайтда давлат биздан сўраб ўтирмай ўз-ўзини ана шу юз миллиардлаб сўмларни маҳсулот билан қоплашдан четлатиб қўйди. Жамғарилган пуллар учун маҳсулот ишлаб чиқариши керак бўлган меҳнат ресурсларини, хом ашёни, асбоб-ускуналарни давлат масъулиятсизлик билан фақат ўзигагина маълум бўлган мақсадларга сарфлади: гоҳ машинасозликни устун ривожлантиришга, гоҳ зарар келтирган Ноқоратупроқни ўзлаштиришга, гоҳ чет эллардаги ўзи мустақил яшай олмайдиган тузумларни қўллаб-қувватлашга ва яна нималаргадир. Маош нархнинг ўсишига қараб ошиб борса, ҳокимият истеъмолчининг талабини ҳозироқ, шу бугун қондиришга мажбур бўлади. Ўшанда «ўлакса» бюджет-у аҳмоқона режалар ҳам бўлмайди. Режашуносларимиз кўрпага қараб оёқ узатишни билишмаса хазинанинг яширин барбод бўлиши ҳаммага тушунарли ва яққол кўринувчи бўлиб қолади.

Балки ўшанда телекамера олдида туриб: «Ака-укалар ва опа-сингиллар, дўстларим менинг! Давлат сизларни боқишга, кийинтиришга қодир эмас, бу унинг вазифаси ҳам эмас. Ким қўлидан нима келса шуни қилсин ва ўзини-ўзи боқсин: биз эса бир нарсага қатъий ваъда берамиз — энди халақит қилмаймиз. Бизнинг вазифамиз деҳқонни қўшнисининг ҳужумидан, ширкатчини йўлтўсардан, завод хизматчисини режа ва қимматли кўрсатмалардан ҳимоя

21

қилишдир», дейдиган мард топилар. Шунинг ўзи ҳам катта гап. Шугина эмас, бу иқтисодиётдаги қайта қуришнинг бошланиши бўларди. Кейин яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин, аммо шуниси аниқки, халқ хўжалигимиз соғломлашади.

Ҳозирча бундай бурилишга давлат ҳам, жамият ҳам тайёр эмас. Биз ҳалигача давлат бир амаллаб муқим нархдаги маҳсулотлар билан таъминлайди, деб ишонамиз. Бундай бўлмаса янги бошлиқларни чақирамиз, ана қара, улар қанчалик кўп. Бири эртагаёқ маошни икки ҳисса кўпайтиришни, бири болалар боғчага боргунча оналарни таъминлашни, бири ҳар биримизни уй ва томорқа билан таъминлашга ваъда бермоқда. Бироқ ундай бўлмайди. Илгариги гуноҳларимиз ва ҳозирги ҳаракатсизлигимиз учун товон тўламай илож йўқ. Аммо қатъиятсизлигимиз ва қайта қуришдаги хатоларимиз оқибатларини енгиллатиш мумкин ва зарур. Ҳозир озгина, жуда кам бўлсада имкониятимиз бор. Ислоҳотни дарҳол ва ҳамма тармоқда ўтказиш лозим, негаки жуда яхши бўлсада яккам-дуккам тадбирлардан фойда йўқ. Қандай ўзгаришлар қилиш, нимадан бошлаш кераклиги ҳам аниқ: директив режаларни бекор қилиш, истеъмолчилар буюртмаларига кўра ишлаб чиқаришга ўтиш, ерни деҳқонларга бўлиб бериш, эмиссияни тўхтатиш, эркин нархга ўтиш.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Ислоҳот тўхтаб, пештахталар бўшаб қолган бир шароитда бундай қарорга келиш қийинлигини тушунаман. Аммо ислоҳот ўтказсак ҳам, ўтказмасак ҳам пештахталар бўшайверади, фақат буни ҳар бир кишига тушунтириб бўлмайди. Нима бўлганда ҳам бозорни соғломлаштириш даркор. Иқтисодчиларнинг ҳисобича уни батамом ҳалокатга учрашдан сақлаб қолиш учун аҳолидан йилига қўшимча равишда ҳеч бўлмаганда 70 миллиард сўмдан «суғуриб» олиш керак. Шунча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга мамлакатимиз қодир эмас. Жаҳон бозори қолади. У ерда валюта ҳисобидаги бир сўмга олинаётган кенг истеъмол моллари мамлакатда 10 сўмга сотилмоқда. Демак четдан маҳсулот олиш учун қўшимча яна 7 миллиард валюта сўми ажратиш керак. Тўғри, бу катта пул, бироқ ҳозирча жаҳон бозоридаги аҳвол биз учун унчалик яхши бўлмаса ҳам мамлакатимиз йилига 66 миллиард топмоқда.

Шу ўринда бир муҳим масалага аниқлик киритишга тўғри келади. СССР халқ депутатларининг Съездидаги маърузасида Н. И. Рижков бизнинг йилига оладиган эркин конверсияланадиган ҳақиқий пулимиз 16 миллиардлигини айтди ва кейин уни тақсимлаб берди. Бундан маълум бўлдики, халқ учун маҳсулот олишга пул йўқ экан. Шуниси қизиқки, депутатлардан биронтаси ҳам қолган валюта қаёққа кетди, деб сўрамади. Бу қанақаси бўлди, ҳар йили 50 миллиард валюта сўмилик маҳсулот чиқарсагу ўрнига сохта пул олсак? Ким бундай савдо қилади, қани ўша бойвачча?! Биз ногиронларнинг нафақасини қандай кўпайтиришни билмай ётибмиз-у, у бўлса мамлакат бойлигини талон-тарож қилмоқда!

Съездда бундай саволлар эшитилмади. Балки масалани Олий Советда кўрган маъқулдир? Буни асослаш учун бир неча рақам келтираман. Статистик маълумотномалар бўйича ҳисоблаб чиқдим: биз Кубадан олинадиган қанд хом ашёси учун жаҳон бозоридаги нархдан 11 баравар кўпроқ тўлар эканмиз. Демак йилига ўртача 3 миллиард валюта сўмини ортиқча сарфлаймиз. Бу тўлақонли валютадир, чунки қанд ўрнига биз нефть, ёқилғи, металл, ёғоч, дон етказиб берамиз. Ваҳоланки, буларни хоҳ долларга, хоҳ фунтга сотиш мумкин. Мана биз шу тариқа ички бозоримизни соғломлаштириш учун зарур бўлган 7 миллиарддан 3 миллиардини топдик. Бу ҳали битта маҳсулот ва бир мамлакат бўйича. Истаганлар қидирса бундан ҳам қизиқроқ нарсаларни аниқлашлари мумкин.

Амалда миллий иқтисодий манфаатларимиз ғоявий ақидаларга

22

қурбон қилинган. Ленин давридан фарқли ўлароқ ҳозирги ҳокимият Ватанимизни жаҳон инқилоби базаси деб қарамайди. Аммо сўзга, ишга қараб баҳо берадиган бўлсангиз мамлакат конлари, унинг бойликлари бутунлай социалистик лагерь хизматига бўйсундирилган. Ташқи савдонинг учдан икки қисми улар билан олиб борилади. Таассуфки, шунча бойлигимиз бўлса ҳам ҳеч ким бундан бахтли бўлмади. Мен ЎИЁК мамлакатларида бўлганман — у ёқда уларнинг бизни боқишаётганига ишончлари комил.

Ўзгаришлар ҳам ҳали-вери бўладиганга ўхшамайди. Н. И. Рижковнинг дастурий маърузасидаги ташқи савдога тўхталган бўлимида шундай дейилган: «Аввалгидек социалистик мамлакатлар билан бўлган ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади...» Шундай экан, валюта ҳисобига истеъмол бозорини барқарорлаштиришга умид қилиб бўлмайди. Хўш, бунга ким айбдор?

Аҳолига қурилиш материаллари сотиб ҳам мўмайгина пул ишлаб олиш мумкин — дўконлар эса бўм-бўш (ўзим уй қуряпман, шунинг учун ҳам буни яхши биламан). Бозорга етарли миқдорда ёғоч, тахта, цемент, ғишт чиқарилса қурувчилар ухламасдан бўлса ҳам ишлаб чиқаришда пул топишади. Оилали, кам ичадиган кишилар ахир бизнинг суянчиғимиз, умидимизку. Йўқ, қурилиш материаллари яна маҳкамаларга берилган. Уларга эса қанча кўп берсанг шунча оз, яна аллақандай БАМ қуриб миннатдорчилик билдиришади.

Қисқаси, мамлакатнинг имконияти бор. Икки-уч йилда натижасини кўриш учун уни иқтисодий ислоҳот ўтказишга бўйсундириш лозим. Акс ҳолда мудофаани ҳам, валютани ҳам еб тугатамиз ва охир-оқибатда тешик тоғора олдида қоламиз.

Ушбу дастур асосий бандлари бўйича мартабали иқтисодчиларнинг таклифларига тўғри келмайди. Ҳақиқатан 1988 йилнинг ноябридан бошлаб хўжаликни бошқаришдаги расмий йўлда ўзгариш бўлди. У қайта қуришнинг дастлабки режаларидан кескин фарқ қилади. Яқин яқингача ислоҳотчиларни қатъиятсизликда айблашарди ва шу заҳоти буни изоҳлашга тушишарди: қайта қуришга қарши бўлган кучлар зўр, аппаратчилар юқори бошлаган яхши ишларни ҳам йўққа чиқаришмоқда, бузиб кўрсатишмоқда. Назаримда бугунги вазият бутунлай бошқача: юқорида қабул қилинган қарорларнинг ўзи умуман олганда мантиқан бир-бирига зид бўлмасада, афсуски, бизга яхши таниш бўлган хўжаликни буйруқ билан бошқаришни эслатади. Унинг муаллифлари ҳам худди қайта қуриш ғоясига ишонишмаётгандек, яна деярли воз кечилган режали-буйруқбозлик системани судрашаётгандек туюлади: яна бир марта, охирги марта ботқоқдан олиб чиққин, хайрлашишдан олдин ўз қудратингни кўрсатгин, кейин биз ислоҳотга киришамиз, дейишаётгандек. Олиб чиқолмайди, кўрсатолмайди. Унда балки қайта қуришни унинг ташаббускорларидан ҳимоя қилиш вақти келгандир?

Иқтисодиётни соғломлаштиргандан сўнг ислоҳотга қайтамиз, деган фикр ҳеч кимни ҳаволантирмай қўя қолсин. Бу ғоя муваффақиятсизликка маҳкум этилган. Ўзгаришлар жараёнини бошқариш учун ажратилган вақт тугаган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Агарда мен адашаётган бўлсам ҳам заҳирада йиллар эмас, ойлар қолган, хўжалик кўз ўнгимизда вайрон бўлмоқда. Ислоҳот ўрнига ислоҳотгача соғломлаштириш чоралари ярамайди. Тезликни йўқотгач, биз барибир тубдан қайта қуриш бошлашга мажбур бўламиз. Бироқ унда бу ишни хўжаликда бошбошдоқлик тамомила ҳукмрон бўлган шароитда амалга оширишга мажбур бўламиз. Қилишимиз мумкин бўлса-ю, қилмасак тарих бизнинг бу хатоимизни кечирмайди.

Русчадан Фаррух РАҲИМ ўгирган.

(«Новий мир» журналининг 1989 йил 10-сонидан).

23

Хориждан хабарлар



Сиз кўриб турган польшалик ойчеҳралар Мазовия вилоятида ўтказилган «Гўзаллик конкурси»нинг ғолиби, деб топилди.

Энг олий соврин соҳибаси Агнешка Балас (ўртада)нинг касби сотувчилик. У энди кейинроқ бўладиган «Мисс Польша 1990» конкурсида қатнашади.

ЦАФ-ТАСС сурати.

СОВЕТ МУСУЛМОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛИВИЯДА

ТРИПОЛИ. (ТАСС). Совет мусулмонларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раиси муфти М. Мамаюсупов бошлиқ делегацияси Ливия жамахириясига ташриф буюрди. Делегация жаҳон Ислом халқ раҳбариятининг Триполида ўтган 2-конференциясида қатнашди.

Совет делегацияси Ливия пойтахтида бўлган пайтда уни Ливия революциясининг раҳбари қабул қилди. Муфти М. Мамаюсупов Муамар Каддафига СССРда юз бераётган ўзгаришлар, совет мусулмонларининг аҳволи ҳақида сўзлаб берди.

Совет мусулмонлари делегацияси «Ислом даъвати» ташкилотининг бош котиби Аҳмад-Шариф билан музокара олиб борди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ШАҲАР ҲОКИМИ СУПУРГИ БИЛАН

Δ МЕЛЬБУРН (Австралия) ҳокими Уисдом хоним миллион аҳоли яшайдиган бу шаҳарда тозалик учун кураш кампаниясини бошлаб юборди.

Хўш бунинг нимаси янгилик, одатдаги ташаббуслардан бири-да, деб ўйлаётган бўлманг тағин. Бу кампаниянинг одатдагиларидан фарқи шундаки, унда шаҳарнинг бош кўчаларидан бирига биринчи бўлиб шаҳар ҳокими супургиси билан келди ва бошқалар қатори кўчани тозалашда жонбозлик кўрсатди, деб хабар беради «Люд» (ЧССР) рўзномаси.

ҲАР СОАТДА ЧИҚАДИ

Δ ЮПИ агентлиги, «Стейс ньюс сервис» ва «Файнэншл уорлд» журнали ҳамкорликда янги рўзнома ташкил қилганликларини эълон қилди.

Рўзнома 20 саҳифадан иборат бўлиб, унда 50 га яқин мақола ва хабар босиш режалаштирилган. Рўзноманинг асосини реклама ва эълонлар ташкил қилади. Чунки молиявий харажатлар шундан келган маблағ ҳисобига қопланади.

Қизиғи шундаки, рўзнома ҳар соатда чиқиб туради. Демак, ундаги информацион билдиришлар, халқаро воқеаларга оид хабарлар мамлакат ҳаёти ва об-ҳаво янгиликлари ҳар соатда янгиланиб турилади, қўшимчалар киритилади, алмаштирилади ва бутун АҚШ бўйлаб тарқатилади. Рўзноманинг номи ҳам унинг ғоявий йўналишидан келиб чиққан — «Лейтест ньюс» («Сўнгги янгиликлар»).

2 апрель куни Вашингтондан учаётган тайёраларнинг йўловчилари бу рўзноманинг биринчи ўқувчилари бўладилар.

У 132 КИЛОГРАММГА ОЗДИ

Δ ОДАМЗОД овқатсиз қанча яшаши мумкин? Икки ҳафта, бир ой, борингки икки ой. У ёғига чидай олмаса керак. Лекин шотландиялик Ангус Барбеси деган одам 382 кун овқатсиз яшади. Дарвоқе, сиз йўламанг, шундан кейин нариги дунёга равона бўлгандир, деб. Йўқ. У тирик, соғомон. Фақат 132 килограммга озган холос. Шу ўринда аввалги оғирлиги билан қизиқаётган бўлсангиз ажаб эмас. Булғориянинг «Кооперативно село» рўзномасида ёзишларича, «очлик» эълон қилмасдан аввал у 212 килограмм бўлган.

Сезишимизча, Барбеснинг овқатсиз шунча кун яшаганига ҳалиям ишонгингиз келмаяпти. Тўғри, у чой, қаҳва, сув ичиб турган, витаминлар қабул қилган, аммо у дунё-ю, бу дунё овқат истеъмол қилмаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧЕКМОВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗ

Норвегиядаги меҳнат масалалари билан шуғулланувчи медицина комиссияси чекмовчилар учун йиллик меҳнат дам олиш отпускаси чекувчиларникига қараганда уч кун кўпга чўзилганлигини айтган.

Комиссия ҳар ҳафтада чекиш учун энг ками 60 минут вақт сарфлашларига асосланиб шу қарорга келган. Улар албатта чекмовчиларга қараганда кам ишлашади, деб ёзади «Орбита» (БХР) ҳафталикномаси.

МУНОСИБ РАҚИБ

АҚШнинг Рипли шаҳрида яшовчи Эдди Старк ўзини қартабозлар қироли деб ҳисобларди. У ўзининг 65 йиллик умрининг 50 йилини ана шу ўйинга сарфлаган ва қарта ўйинининг 105 хилини мукаммал билган.

Бу «ветеран» бироз пул ишлаб олиш мақсадида ўз маҳоратини уч кунгача намойиш қилмоқчи бўлган. Томоша залига кириш ҳар бир кишига 38 доллардан қилиб белгиланган. Старк кимда ким унга номаълум бўлган қарта ўйинини кўрсатса, 60 минг доллар миқдорида мукофот олади, деб эълон ҳам қилган. Шунда кимлигини айтишни хоҳламаган бир киши чиқиб Старкка умуман номаълум бўлган уч хил қарта ўйинини кўрсатган, Старк 180 минг доллар тўлашга мажбур бўлган, деб ҳикоя қилади «Чикаго трибюн» (АҚШ) рўзномаси.

«МАКДОНАЛДС» НИМАЛАРГА ҚОДИР?

«Сизга қандай ёрдам керак?», «Буюртма беришингизни сўрайман!», «Марҳамат, менинг пештахтамга келинг!» — Москванинг марказидаги Пушкин номли майдонга жойлашган «Макдоналдс» ресторанидаги фирмали майка кийиб олган ҳар бир ёш официант чеҳрасида табассум билан сизни ана шундай кутиб олади. Улар кулиб туриб буюртма қабул қилишади, табассум билан 27 та пештахтанинг биридан ёқимли ҳид таратиб турган иссиқ овқатни олиб, муздек шарбатли ичимликни сизга тақдим этишади. Тарқатувчилардан салқин ичимлик учун сомон найча ва қоғоз сочиқ ҳам олишингиз мумкин.

Бундай тезкорликда хизмат кўрсатишни бизнинг умумий овқатланиш корхоналаримизда тасаввур ҳам қилишолмайди. Инглизлар бекорга бу усулни «фаст фуд» — «тезда овқатланиш» деб атамаганлар.

Бу ерда учта: американча, европача ва японча катта зал бор. Кимда-ким ёш болалари билан биргаликда овқатланишни хоҳласа, улар учун алоҳида юмшоқ ўриндиқли махсус жойлар мавжуд. Баланд стол олдидаги курсиларга ўтириб, хушбўй ҳид таратиб турган «Большой Мак» ичимлигини тишларингиз орасидан ўтказиб, симиришингиз ҳам мумкин.

Январнинг охирги куни очилган бу емакхона биринчи кунноёқ ўз соҳаси бўйича «Макдоналдс»нинг бир қанча жаҳон рекордларини янгилади. Москвадаги 700 ўринли ресторан дунёдаги энг йирикларидан бири бўлиб, йилнинг иссиқ кунлари очиқ ҳавога қўшимча яна 200 та стол қўйилади. «Москва — Макдоналдс» бир кунда ўртача 15 минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Илгариги рекорд фирманинг 570 ўринли ва кунига 1900 кишига хизмат кўрсата оладиган ресторанига тегишли бўлиб, у Буэнос-Айресда эди.

«Биринчи кун» рекорди бунгача очилганида 9100 буюртма бажарилган Будапештдаги ресторанга тегишли бўлган. «Москва — Макдоналдс»да эса буюртмалар сони 30 минггача етган. Биринчи иш кунида тушган пулнинг ярми В. И. Ленин номли Совет болалар фондига ўтказилган.

Москвадаги бу корхонани очиш учун 14 йил музокара олиб борган «Макдоналдс» Кэнада» президенти Жорж Кохон: — «ресторанимизга юзлаб кишилар келаётганидан хурсандман, уларга совет маҳсулотларидан ажойиб овқатлар тайёрлаб берамиз. Менинг орзуим ушалди. Бизнинг «Большой Мак» Москвада ҳам худди Торонто, Париж ёки Токиодагидек мазали бўлади», — дейди.

Ресторан учун маҳсулот Москва яқинидаги Солнцево шаҳрида жойлашган қайта ишлаш ва тақсимлаш комплексида тайёрланади. Бу ерга эса маҳсулотлар узоқ йилларга шартнома тузилган Москва атрофидаги хўжаликлардан келтирилади. Айрим уруғликлар ва экиладиган бошқа ўсимликлар чет элдан олиб келинди. Фақат гўштнинг ўзи тайёрлаш жараёнида турли босқичларда қирқ марта текширувдан ўтади. Солнцеводаги завод Италия, Швеция, АҚШ, Канада ва ГФРдан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ёш ишчи Александр Жуков агрегатлардан бирини қунт билан артмоқда. Бошлиқлар уни тозалашга тез-тез кўрсатма бериб туришармикин? «Бошлиқлар тозаликни назорат қилишмайди, — дейди саволимизга Александр. — Биз ўзимиз қиламиз буни». У «Москва — Макдоналдс»ига конкурс бўйича қабул қилинган 650 ёшнинг бири. Ҳамма «абитуриентлар» 25 мингдан ортиқ бўлган.

«Макдоналдс» касб маҳоратини оширишга ўқитишда асосий мақсадни ресторанда энг керакли шахс — овқатланишга келган мижоз эканлигини хизмат кўрсатувчи ходимларга чуқур сингдиришга қаратган. Совет командаси турли мамлакатлардан келган етук мутахассислар раҳбарлигида тўрт ҳафталик ўқиш курсини ўтадилар. Ўқиш ҳар куни тўрт-беш сменадан бўлиб, ўн икки соатгача давом этган. Ҳамкорликдаги корхона ресторанларининг раҳбарлари — Ҳамзат Хасбулатов, Владимир Жураковский, Михаил Шелеснов ва Георгий Смолеевскийлар АҚШ ва Канадада тўққиз ой тайёргарликдан ўтдилар ва Канада гамбургерология институти дипломини олдилар.

Жаноб Кохон совет бозорида ўз имкониятларини кенгайтирмоқчи: Москвада яна ўн тўққизта, Совет Иттифоқи бўйича эса мингта емакхона очмоқчи. Лекин одамларга ҳамма нарса ҳам бирдек ёқавермайди. Кимдир буни «капитализмга» қайтиш, деса, кимгадир янги мол гўштидан қилинган иккита бифштексли бутерброт учун уч сўму 75 тийин (бу энг қиммати, арзонлари ҳам бор) тўлаш кўп туюлади. Яна биров ўзимиз эплай олмаганимиз учун, Ғарбга таъзим қилаяпмиз, дейди.

Шуни яхши англаш керакки, «М» ҳарфи туширилган арк ортида ўзимизнинг одамлар — фақат яхшилаб танланган ва ўқитилганлар ишлашмоқда. Кооператив кабоблар харидорларга бундан арзонга тушмайди. Бу ерда эса хизмат кўрсатиш маданияти юксак, энг асосийси — кабобпазлар умуман эътибор бермайдиган оддий тозалик қоидаларига тўла риоя қилинади. Биздаги умумий овқатланиш корхоналари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўрганиш эса ҳеч қачон айб эмас. Ҳеч бўлмаса, ВАЗнинг қурилишини эсланг. Унинг енгил машиналарида бемалол маза қилиб юрибмиз-ку.

Сергей ДУХАНОВ,
АПН мухбири.

Ўлкамизда Наврўз тантаналари давом этмоқда

БИОФАКДА ТАНТАНА

Тошкент Давлат дорилфунунининг биология факультети биринчилардан бўлиб, «Наврўз»ни қарши олди.

— Биз биологларга Наврўз ҳаммадан ҳам яқин, — дейди факультет декани, биология фанлари доктори Баҳриддин Зарипов. — Ер, тупроқ, ўсимлик — бу бизнинг касбимиз, ишимиз, нонимиз ҳам. Шу боисдан, 1000 дан ошиқ талабалар, 100 дан зиёд профессор-ўқитувчилар, 150 нафар илмий ходимлар билан келишган ҳолда ушбу тадбирни ўтказмоқдамиз.

«Лаззат» кафесида бўлиб ўтган бу тадбир кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Талабалар шеърлар, ғазаллар ўқишди. Рақс, куй-қўшиқлар бир-бирига уланиб кетди.

ҚУРУВЧИЛАР ГУРУНГИ

Жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб Наврўз қувончи давом этмоқда. Тошкентдаги 153-қурилиш тресги бинокорлари ҳам миллий байрамни шоду-ҳуррамлик билан нишонладилар.

— Биз Наврўз байрамига анча илгари ҳозирлик кўра бошлаган эдик, — дейди трест фирқа қўмитасининг котиби Вадим Николаевич Ремизов. — Аммо ҳақиқий тараддуд бир ҳафта қолганда бошланди. Трест комсомол қўмитасининг котиби Ҳикмат Назаров, шунингдек фаол ёшларимиздан Пўлат Эшмуродов, Ринат Кулматов, Рўзмат Абдиримов, Ҳаётбек Эшқувватов ва бошқалардан иборат ташкилий қўмита аъзолари ниҳоятда уюшқоқлик ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатдилар. Трестимиз қурувчилари шу куни яйраб ҳордиқ чиқардилар. Турли тилдаги қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди, йигитлар ва қизлар ўртасида кўрик-конкурслар бўлиб ўтди. Бироқ ҳаммадан қувончлиси, қурувчиларнинг ўз қўллари билан тайёрланган сумалаги бўлди.

Шунингдек, байрамимизга Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат қилаётган қизлар таклиф этилди. Айтишувлар бошланди. Эрта тонгдан бошланган Наврўз байрами кеч оқшомгача давом этди.

(Ўз мухбиримиз).

ҚУТЛУҒ КЕЛДИ

Ҳа, Наврўз қутлуғ келди. Биргина бизнинг С. Сегизбоев номли давлат хўжалигимизда 114 оилага уй қуриш учун ер ажратилди, 650 оила эса томорқали бўлди.

Ноҳиямизда байрамни кутиб олиш учун турли режалар, тадбирлар тузилган. Бугун спорт мусобақалари, қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтади. Отахон-онахонларимиз билан миллий урф-одатлар тўғрисида суҳбатлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Б. ҲАСАНБОЕВА.
Оққўрғон ноҳияси.

БИРИНЧИ МАРТА

Тошкент тиббиёт институти тарихида биринчи марта Наврўз байрами нишонланди. Қозонларда сумалак қайнади.

Талабаларнинг қувончи чексиз. Турли жойлардан меҳмонлар ташриф буюришган. Байрам дастурхони очилди. Биринчи бўлиб табрик сўзини факультет декани Марат Қорнев олади. У барчани Наврўзи олам билан қутлади. Шундан кейин институт ҳаваскорлари иштирокида концерт намойиш этилди. Шеър, ғазаллар ўқилди. Саҳна асарларидан парчалар қўйилди.

Н. ШОЙМУРОДОВ.
А. ҚУЛҚОРАЕВ.
1-даволаш факультети толиблари.

«ҚОДИР-КОМСОМОЛ» ҲАЛИМИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги «Янги Тошкент» маҳалласи зилзиладан сўнг ташкил этилган. Бу ерда 470 хонадон истиқомат қилади. Маҳаллада 7 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшайдилар.

Наврўзи олам ташриф этган илк кунларда маҳаллада 5 та қозон осилди. Ҳар бирининг ҳажми 80 килограммдан.

— Маҳалла аҳли Наврўз байрамини ўзгача руҳ билан кутиб олдилар, — дейди маҳалла қўмитаси раиси, ноҳия кенгаши депутати Рашид Аҳмедов. — Бизда Янги кунни нишонлаш одат тусига кирган. Ўтган йили ҳам худди шундай тадбирни тантанали равишда ўтказган эдик.

Тантана бошида эса 80 ёшли табаррук инсон Қодир ота Холиқов турдилар.

Мабодо, маҳалла-кўйда Қодир ота Холиқов ким, дея сўраб қолсангиз, аввалига ҳайрон бўлишади, кейин эса «Қодир-комсомол»ми, бирданига шунақа демайсизми, дейишади сиздан ранжишгандай. Ростдан ҳам шундай.

«Қодир-комсомол» ҳалим сузмоқда. Гўёки у ёшларни тотув, меҳр-оқибатли бўлишга ундамоқда.



Бунчалар мазали бўлмаса-я... В. ТЎРАЕВ сурати.

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ҳамда «Савоб» хайрия фирмаси ташаббуси билан Занги ота тарбиявий меҳнат колониясида Наврўз байрами нишонланди.

Куртаклар чечак очсин

КЎПРОҚ ЁШЛАРНИНГ қувноқ даврасида юрганим сабабми бу ердаги болаларга аралашиб кетавериш осон кечмади. Чунки мен илгари суҳбатда бўлган ёшларнинг ўз дунёқарашлари ва олами бўлган бўлса, бу ердагиларнинг эса ўз дардлари ҳам бор. Улар бу «дард»ларини ҳар кимга ҳам ишонаверишмайди. Бир оғиз қалтис сўз уларни Сизга, замонни уларга бегона қилади.

Болаларни зимдан кузатаман. Жиноятчилар — ўсмирлар. 15 ёшдан 20 ёшгача бўлганлар. Одам ўлдириш, номусга тегиш, тажовузкорлик, талон-тарож қилиш, ўғрилик...

Улар бу кўчага қандай кириб қолишди? Болалик қилибми? Мен бундай демаган бўлардим. Ахир бола ўйи соф, фикри бокира бўлади. Бола одам ўлдиришни биладими? Киссавурликни эплайдими? Афсуски, биз учун турғунлик бўлган давр, улар учун тезкорлик бўлди, ҳаётининг энг азиз бўғинини синдирди.

Турғунлик йиллари биз улар ўтирган баланд деворли «ҳовли»ни жуда олисдан четлаб ўтдик. Уларга ҳамиша ўгай кўз билан қарадик. Ишга қабул қилишда «узоқ мулоҳаза» юритдик. Бизнинг бу «ҳушёрлигимиз» уларни яна янги жиноятларга бошлади, одамлардан кўнглини совутди.

Бугун биз бу ерга Наврўз баҳона тўпландик. Токи бундан буён улар бизнинг нафақат баҳорий, балки боқий меҳримиздан баҳраманд бўлишсин, токи қалбларида меҳр куртаклари чечак отсин.

— Ушбу тадбирга 2000 сўм атрофида харж қилдик, — дейди «Савоб» хайрия фирмаси президенти Равшан Саидов. — Колонияда жазо муддатини ўтаётган ҳар бир кишига 2 сўмлик совға тайёрланди. Булар дафтар, ручка, конверт ҳамда турли ширинликлардир. Шу билан бирга чолғу асбоблари ҳам тақдим этдик.

Фирма ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада, мақтовга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Ўтган якшанба куни ҳам худди шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Наврўз» байрами муносабати билан пойтахтдаги «Чархи комолон» ва «Катта қозрибод» маҳаллаларида ўтказилган тадбир учун ҳам 2 минг сўм ажратилган.

Шу кунгача 17 минг сўм пул шундай мақсадлар йўлида сарфланди.

— Колонияда 10 йилдан буён тарбиячи бўлиб ишлайман, — дейди Карима Эшонхўжаева. — Бироқ шу вақтгача нафақат Наврўзни, балки бошқа байрамларни ҳам чеккадан келиб, ажойиб тарзда ўтказиб беришганларини эслай олмайман. Колонияда тарбияланаётганлар ҳаётида бирон рўшнолик кўришмаган. Шодлик, қувонч нималигини улар тўлалигича билишмайди.

— Ҳаёт аччиқ. Лекин унинг ширин дамлари бисёр. Сизларга яхши кунлар — озодлик кунлари тилайман. Ҳеч қачон руҳан тушкунликка тушманглар. Невараларим, Сизлар билан очиқда, озод кунларда яна учрашайлик.

Таниқли санъаткор, СССР халқ артисти Тамарахонимнинг йигитларга қарата айтган сўзлари шу ерга йиғилганларнинг дил сўзлари эди.

Ташриф буюрганлар орасида Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, «Ёш куч» журнали бош муҳаррири Худойберди Тўхтабоев, профессор Озод Шарафиддинов, ТошДУ доценти Абдуғофир Расулов, «Савоб» хайрия фирмаси вакиллари ҳамда бир группа санъаткорлар, Зебо Ғаниева номидаги ансамбль аъзолари бор эди. Тошкент ислом институти мударриси Абдулло Жўлдашев, протоэрей христиан черковидан Леонид Патрахинлар ҳам Наврўз байрами тантанасида иштирок этдилар.


Муҳаммад АМИН.




СУРАТЛАРДА: «Денискани ким ўлдирди?» ҳужжатли фильмини кўрмаганлар топилмаса керак. Унинг қотили ҳам шу ерда, колонияда.

Занги ота тарбиявий меҳнат колониясида нишонланган Наврўз байрамидан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.







Бугун—Халқаро театр куни

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Оиланинг бошига кулфат тушди. Аслида-ку, уларнинг дарди етарли эди. Тўнғич ўғил — Раҳмонжон руҳий бемор. Қўли ишга бормайди. Ўзганинг кўмагига муҳтож. Заиф қилиқлар четдаги одамнинг кулгисини қистайди. Аммо жигарғўшаларнинг юрагини ўртайди. Қалбига оғриқ солади. Бу оғриқ сизнинг вужудингизни ҳам қамраб олади.

Оила бошлиғи жамоа хўжалиги раиси Мамасоли Комиловнинг ҳам дарди ичида. Аммо уни сиртига чиқармайди. Сабаби «юқори»нинг топшириғини бажаришга мажбур. Билиб туради: бутифос қанчадан-қанча ақли расо одамларни телба қиляпти, кулиб, яйраб юрган болаларни ўлимга маҳкум этяпти. Лекин амал курсиси, давр уни ҳамма нарсага чидашга мажбур қилади.

Раиснинг кўзи очилади. Қачонки унинг юрагига тиғ санчилганда кўр-кўрона қилаётган иши жиноят эканлигини англаб етади. Аммо кеч эди. Ўғли Ўктамжон бутифосдан заҳарланади. Уни қутқариб бўлмайди. Оилани қувонч тарк этади. Волида — Тўхтахон аянинг фиғони кўкка ўрлайди. Раис алам билан кўкрагига муштлайди. Фожиа.

Хайриятки, хўжаликларимизда бутифос қўллашдан воз кечилди. Аммо унинг қанчадан-қанча одамлар ёстиғини қуритганини унутиб бўладими? Ҳали-ҳануз унинг асоратлари тинч ҳаётимизга соя солаяпти. Андижон шаҳридаги «Ниҳол» театр-студияси ёш санъаткорлари драматург Абдураҳмон Исҳоқовнинг «Исён» номли асарини саҳналаштирдилар. Тўғри, асарни саҳнага қўйишда бадиий камчиликлар учраса-да, Дилмурод Мирзаев, Омад Жалолова, Карим Холиқов, Мўмин Исаев, Муҳайё Мамажонова каби ҳаваскорлар драмани жонли, табиий чиқишига уринишган. Образларни меъёрига етказиб ижро этишга ҳаракат қилганлар.

Ана, ижрочиларга гуллар тақдим этилмоқда. Бадиий раҳбар Достонбек Ғаффоров негадир ўйчан. Уни саволга тутаман:

— Достонбек, шогирдларингиз олқиш олишаётган бўлишса-ю, сиз хомуш бўлсангиз. Ёки уларнинг муваффақиятидан қониқмаяпсизми?

— Гап бунда эмас, — сўз бошлайди у, — тўғри, ҳаваскорларимиз қобилиятли, аммо вилоятимиз раҳбарлари уларга етарли эътибор беришмаяпти. Энг оддий театр буюмларини ҳам тополмасдан зир-зир югуряпмиз. Асардаги раис образини ижро этган Дилмурод Мирзаев эгнидаги костюмига разм солдингизми, бироз каттароқ. У менинг костюмим.

Ҳа, ҳа, ишонаверинг, саҳна учун костюм топа олмай, устимдагини ечиб бердим. Милиционер ролини ижро этган Муҳитдин Норқўзиев эгнидаги уст-бошни топа олмай хуноб бўлганларимизни айтмайсизми.

Драматик асарларда ҳар бир образ ўз қиёфасига эга бўлмоғи лозим. Шубҳасиз, уни кўз олдингизда ёрқинроқ гавдалантириш учун унинг кийиниши, уст-боши ҳам муҳим. Достонбек «Исён» номли публицистик драмани саҳналаштираётиб, милиционер кийими зарурати юзасидан Йўлдош Охунбобоев номли Андижон музикали драма театрига мурожаат қилди. У ердагилар нима дейди денг:

— Милиционер мундирини сизларга ишониб бўладими. Ким билади, балки шаҳарга чиқиб йўлтўсарлик қиларсизлар.

Бу санъаткор, кўпчиликка бош-қош бўлаётган театр директори Жавлон Тошхўжаевнинг жавоби. Хўш, санъаткорларки ёш ижодкорларга шундай муносабатда бўлишаётган экан, ўзгалардан нима кутиш мумкин?

Гапнинг индаллоси, Андижон вилоятида болалар театри йўқлиги ҳақиқат: аммо ёш, изланувчан ижодкор Достонбек Ғаффоров қутлуғ ишга бел боғлади. У болалар саҳнасини яратмоқчи бўлди. Сабаби, кейинги вақтларда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ниҳоятда ўсиб кетди. Жумҳуриятимиз болалар ўртасидаги жиноят бўйича Иттифоқда олдинги ўринларга чиқиб олди. Айниқса шаҳар болаларининг бўш вақти кўп бўлади. Уларнинг кўпи дарсдан сўнг кўчама-кўча санғишади. Ғуж-ғуж бўлиб олиб сигарет тутатишади. Хонадонларга тушишади.

Аввалига Достонбек ҳаваскорларнинг қобилиятига шубҳа билан қаровчилар ҳам бўлишди. Достонбек Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битириб, Йўлдош Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрида қобилиятини чархлаган. Эсда қоларли образлар яратган. Режиссура билан шуғулланган. Театр режиссёри Эргаш Масафоевнинг сабоғини олган. Устозининг болалар театри ҳақидаги ўгитлари ҳали-ҳали ёдида:

— Бозорларимизга тушсангиз, сотувчи сара мевани бир ёкка қўяди. Эзилганларини тез харидорга тутади. Олиб кетинг, арзон, болаларга бўлаверади, дейди. Бизда кўп йиллар мобайнида болалар тарбиясига ана шундай муносабатда бўлиб келинди.

Ҳозир ана шу муносабат ўзгардими? Очиғини айтиш керак, муз жуда секинлик билан кўчяпти.

Достонбек юрагидаги ниятни Охунбобоев номли Андижон вилояти музикали драма театри мутасаддиларига айтди. У болалар театри, ҳеч бўлмаганда студиясини театр қошида ташкил этсак, дея таклиф қилди. Мутасаддилар рози бўлишмади. Тўғрироғи, ортиқча ғалвани бошларидан соқит қилишди.

Ташаббускор ўзини турли томонларга урди. Натижа бўлмади. Ниҳоят Тўхтасин Жалилов номли санъат билим юртида илк машғулотлар бошланди. Тўғриси, билим юртида театр-студия учун шароит йўқ. Хоналар етишмайди. Репитиция жуда қийин аҳволда ўтади. Яна муҳими, театр-студия учун на уст-бош, на саҳна безатиш учун жиҳозлар бор.

— Вилоят театрида, — дейди Достонбек, — ҳар йили кийим-бош, турли товушларни берувчи пластинкаларни ҳисобдан чиқарилади. Биз сўнгги илинж билан ҳеч бўлмаганда яроқсиз деб ҳисобланган буюмларни сўрадик. Улар эса яна бош тортишди.

Нега шундай қилиняпти? Тўғри, «Ниҳол» театр-студияси ҳисобида ҳали маблағ йўқ. Унинг қўли калта. Аммо ҳаваскорлар бел боғлаган бу эзгулик нишонаси-ку. Масалага чуқурроқ ёндашилса, катталар театрига ёшлар жуда кам қадам ранжида қилишаётгани, томошаларда томошабинлар кўринмаётгани сабаби нимада? Ахир болалар ёшлигидан театр санъатига ихлос қўйиб борсалар, келажакда улардан маданиятли томошабинлар етишади. Қолаверса, санъатга ихлос қўйган бола қалбида ёвузлик илдиз отмайди

Театр-студия учун иқтидорли ёшлар зарурлигини ҳам унутмаслик керак. Вилоятдаги санъат билим юртида актёрлик бўлимига тўрт йилдирки ўқувчилар қабул қилинмасди. Янги ўқув йилидан бошлаб уни яна йўлга қўйиладиган бўлди. Илк қадамлар яхши. Аммо қарсак бир қўлдан бўлиб қолаётгани ёмон.

Андижон «Лола» қўғирчоқ театри «Ниҳол»нинг ҳамфикрларидан чиқиб қолди. Театр актёри Абдурашид Абдуваҳобов ёрдами билан Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» асари саҳналаштирилди. Кейин Саодат Мирзаеванинг «Қасамёд», Айниддин Зайниддиновнинг «Оқил ва уч баҳил» асарлари ёш томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Бундан икки йил муқаддам Улуғ Ватан уруши йилларидаги оғир аҳвол ҳақида ҳикоя қилувчи «Қасамёд» асари саҳнага қўйилганди. Унда фронт ортидаги болаларнинг машаққатли ҳаёти тасвирланганди. Шубҳасиз, асар болаларни Ватанни, онани севишга, фаровон турмушимиз қадрига етишга, Буюк Ғалаба осонликча қўлга киритилмаганини қалбларга сингдиришга хизмат қилади. Аммо спектакль премьерасида асар вилоят маданият бошқармасининг биргина йўриқчисига ёқмаганлиги учун саҳнадан олиб ташланди...

Тўсиқлар, қийинчиликлар... «Ниҳол» аста-секин бўлсада машаққат билан катта санъат йўли томон бормоқда. Шубҳасиз, унга ёрдам керак. Вилоят комсомол ташкилоти, маданият бошқармаси, Охунбобоев номли вилоят музикали драма театри коллективи бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадилар деган умиддамиз.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

28 МАРТ — ЧОРШАНБА

⊙ ЎзТВ I

11.30 Болалар учун фильм. «Болалик билан хайрлашманг». 12.10 «Мен — Тянь-Шань». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

17.30 «Байрамали», «Лада» Францияда». Телефильмлар. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Энг билимдон қуён». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 18.55 «Давр тақозоси билан». Тошкент вилояти саноат корхоналарида ижара муносабатларини жорий этиш ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёдгорлик» туркумидан. Паҳлавон Маҳмуд ижоди ҳақида. 20.30 Москва «Вақт». 21.00 «Олтинга тенг сўзлар». «Кашфиёт». Катталар учун мультфильмлар. 21.20 «Муҳаббат мадҳи». Мусиқий композиция. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа. 23.30 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

⊙ ЎзТВ II

18.05 «Дўстлик» программаси. «Самарқанд белгиси билан». 18.40 Реклама. 18.50 «Мен — Тянь-Шань». Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сўз сизга ўртоқ делегат» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва «Вақт». 21.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. Киноочерк. 21.15 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун программа. 22.00 «Изланиш». Ёш актёрлар конкурси. 23.00 «Севги тарихи». Телефильм.

⊙ МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Ипак муйқалам». Мультфильм. 8.35 Болалар учун фильм. «Эл ардоқлаган артист». А. И. Купринннинг «Оқ бароқ» ҳикояси асосида («Центрнаучфильм) 9.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Гўё юздаги сепкилдек» («ЦДФ», ГФР). 10.30 Ҳужжатли фильмлар: «Менинг крестим», «Девор фонидаги пейзаж». 11.20 «ВДНХдаги уч учрашув». Концерт. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Қаердадир, оловли ерда». «Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 16.30 «Қанотсиз гозча». Мультфильм. 16.40 «Бор бўл, мусиқа!». Кичик концерт (Киев). 16.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ғалати авлод». Ҳужжатли фильм премьераси (Куйбишев кинохроника студияси). 19.00 «Ғолиб» («Вилоят ҳаётидан саҳналар»). Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»). Премьера. 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — Голландия терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. 22.50 «Хотира садоси» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. СССР халқ артисти А. Папанов ҳақида («Экран»). 23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.45 Россия рақс ансамблининг концерти. 10.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.50 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Варьканинг ери». 3-серия.

* * *

16.30 «Экспромт». Бадиий шиша буюмларининг чиройи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Диалог» студияси (Новосибирск). 17.25 Ю. Левитин. «Шоир хотираси». Бадиий сўз устаси, меццо-сопрано, бас ва оркестр учун оратория. Н. Заболоцкийнинг хотиралари, хатлари ва шеърлари. 18.00 «Вақт» Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».

ЁШ МУХБИРЛАР ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ёш ленинчи» рўзномаси қошидаги «Ёш мухбирлар» дорилфунунининг навбатдаги машғулоти шу йил 30 март жума куни соат 17 да редакция биносида ўтказилади.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-38
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04166. Д — 23205.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.